

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ ВА
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.1.15.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗАХИДОВ ГАФУРДЖАН ЭРКИНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ЕНГИЛ САНОАТИДА
ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЛАСТЕР УСУЛИДА ТАШКИЛ ЭТИШ
ВА БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИ**

08.00.13 – Менежмент

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2017

УДК:6П9:338.24(575.1)

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)
on Economics Sciences**

Захидов Гафурджан Эркинович

Ўзбекистон енгил саноатида ишлаб чиқаришни кластер усулида
ташкил этиш ва бошқариш самарадорлиги 3

Захидов Гафурджан Эркинович

Эффективность кластерной организации и управления в легкой
промышленности Узбекистана..... 25

Zakhidov Gafurdjan Erkinovich

Efficiency of management and organization of production by cluster
method in light industry of Uzbekistan..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 51

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНК-МОЛИЯ АКАДЕМИЯСИ ВА
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.1.15.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЗАХИДОВ ГАФУРДЖАН ЭРКИНОВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОН ЕНГИЛ САНОАТИДА
ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЛАСТЕР УСУЛИДА ТАШКИЛ ЭТИШ
ВА БОШҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИ**

08.00.13 – Менежмент

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2017

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/Iqt.79 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат иқтисодиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасининг bfa.uz ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим портали www.ziyonet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Ахмедов Дурбек Қудратиллаевич**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Хошимов Ақром Абдиевич**
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Рахимова Дилфуза Нигматовна
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот: Бухоро муҳандислик-технология институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси ва Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.I.15.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгашнинг 2017 йил «__» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент ш., Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 237-54-53; факс: (99871) 237-50-11; e-mail: bfa.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Тошкент ш., Мовароуннаҳр кўчаси, 16-уй. Тел: (99871) 237-54-53; факс: (99871) 237-50-11; e-mail: bfa.uz

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____ куни тарқатилади.
(2017 йил «__» _____ даги __ рақамли реестр баённомаси).

А.Ш. Бекмуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

У.В. Гафуров

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш котиби, и.ф.д., доцент

М.А. Икрамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги бир марталик илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Халқаро майдондаги рақобат курашида компанияни жойлаштириш ўрни ва усулининг тўғри танланиши муваффақиятнинг асосий омили ҳисобланади. Менежментнинг айнан шу тамойилига амал қилган ҳолда, Бостонда дунё миқёсидаги жамоа сармоясига эга молиявий компаниялар, Шимолий ва Жанубий Каролинада тўқимачилик компаниялари, Германиянинг жанубида юқори самарали автомобиль компаниялари, Италиянинг шимолида харидоргир пойафзал ишлаб чиқарувчи компанияларнинг кластерлари ташкил этилган. Бундай кластерлар миллий, минтақавий ва жаҳон иқтисодийнинг ўзига хос хусусиятига айланди ва юқори рақобатбардошлигини кўрсатди.

Мустақил тараққиёт даврида Ўзбекистонда қулай ишбилармонлик муҳити яратилиб, чет эл сармоялари иштирокида замонавий корхоналар фаолиятини йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусий мулкка асосланган корхоналар ҳам йилдан-йилга кўпаймоқда. Натижада шаҳар ва қишлоқларда энг илғор технологиялар билан жиҳозланган саноат тармоқлари барпо этилиши ҳисобига ички бозор талаблари тўлиқ таъминланиб, аҳоли эҳтиёжларидан ортган маҳсулотларнинг бир қисми жаҳон бозорига экспорт қилинмоқда. Бу эса Ўзбекистон енгил саноати корхоналари олдига жаҳон бозорида рақобатбардошликни янада ошириш вазифасини қўймоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида «саноатнинг юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали янада модернизация ва диверсификация қилиш»¹ бўйича устувор вазифалар белгилаб берилди. Мазкур вазифаларнинг самарали бажарилиши мамлакатимиздаги саноат корхоналарида, хусусан, енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни кластер усулида ташкил этиш ва бошқариш самарадорлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Жаҳон стандарти талабларига жавоб берадиган ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминловчи юқори технологияга асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этиш, енгил саноат корхоналарининг инфратузилмасини ривожлантириш ва инновацион технологияларни жорий этиш ҳисобига жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулотларни кенг кўламда ишлаб чиқаришни жорий қилишнинг илмий асосларини яратиш талаб этилмоқда. Шу жиҳатдан, хорижий тажрибалар асосида мамлакатимиздаги енгил саноат корхоналарида ишлаб чиқаришни кластер асосида ташкил этиш ва бошқариш самарадорлигини ошириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон фармонида 1-илова «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси». - <http://lex.uz>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сонли «Тадбиркорлик фаолиятини жадал ривожлантиришни таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ҳамда 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сонли «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, таркибий ўзгаришларни таъминлаш чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги фармонлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ ИТД-2 «Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий иқтисодиётни модернизациялаш ва эркинлаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш» лойиҳаси доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кластерлар ташкил этиш ва уларни бошқариш, ишлаб чиқаришни кластерлаштиришнинг афзалликларини аниқлаш масалалари хориж олимлари, жумладан, М.Портер, Ж.Саллет, Г.Бекес, П.Мартин, Т.Майер асарларида тадқиқ этилган².

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатларида кластерларнинг ташкилий шакллари бўйича А.Асаул, Л.Бадалов, С.Древинг, Н.Волкова, Ю.Лаврикова, С.Пятинкин, Т.Быкова, Т.Сахно, Д.Ялов, Н.Ягодина каби олимлар илмий тадқиқотлар олиб борганлар³.

Ўзбекистонда кластерларни ташкил этишнинг назарий-услубий жиҳатлари ва ташкилий масалалари А.Бекмурадов, Н.Йўлдошев, М.Болтабаев, Ш.Маджидов, Д.Мирзахалилова, Д.Курбанова⁴ ва бошқа

² Jonathan Sallet, Ed Paisley. Innovation Clusters Create Competitive Communities. Huff Post Social News September 21, 2009.; Gabor Bekes. Clusters, Science Parks and Regional Development (Strategies and Policies in Hungary). Presentation at UNECT TOS-ICP Geneva 14 February, 2008.; Martin P., Mayer T., Mayneris F. (2010) Public support to clusters: A firm level study of French «Local productive systems». Mimeo. University of Paris I. Электронный ресурс: <http://perso.uclouvain.be/florian.mayneris/rsue.pdf>

³ Древинг С.Р. Зарубежный опыт формирования кластеров как перспективного направления развития экономики инноваций// Проблемы современной экономики, 2009. – № 4. – С. 43-47. Волкова Н.Н. Промышленные кластеры России. / Н.Н. Волкова, Т.В. Сахно. – М.: Техсервис, 2008. - 532 с.; Лаврикова Ю.Г. Кластеры: стратегия формирования и развития в экономическом пространстве региона. / Ю.Г.Лаврикова. – Екатеринбург: Институт экономики УрО РАН, 2008. – 232 с.; Развитие кластеров: сущность, актуальные подходы, зарубежный опыт. / С.Ф.Пятинкин, Т.П.Быкова. – Минск: Тесей, 2008. - 72 с.; Ялов Д.А. Кластерный подход как технология управления региональным экономическим развитием / Д.А.Ялов. Фонд ЦСР «Северо-Запад». – СПб, 2006.

⁴ Бекмурадов А.Ш., Янг Сон Бэ. Стратегия развития текстильной промышленности Узбекистана. Кластерный подход. – Т., 2006. – 247 с.; Курбанова Д.М. Перспективы формирования инновационных кластеров в Узбекистане// «Рынок, деньги и кредит». - 2011 - №1. – С. 43.; Мирзахалилова Д.М. Повышение конкурентоспособности промышленности Узбекистана на основе кластеризации (на примере текстильной промышленности). Дисс. на соиск. канд. экон. наук.

олимларнинг илмий ишларида ўрганилган, ammo уларнинг тадқиқотларида пахтани қайта ишлаш босқичларида ишлаб чиқариш қувватларининг мутаносиблигини таъминлаш, корхоналарнинг жойлашиш ва бошқа хусусиятлари ҳисобга олинмаган.

Юқоридаги ҳолатлар Ўзбекистон енгил саноатида ишлаб чиқаришни кластер усулида ташкил этиш ва бошқариш самарадорлигини оширишга қаратилган мазкур тадқиқот мавзусининг долзарблигини намоён этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат иқтисодиёт университети илмий тадқиқот ишлари режаси, ФМ-3 «Бозор рақобати шароитида реал сектор тармоқлари ҳамда корхоналар ривожланишининг илмий методологик асосини такомиллаштириш» (2012-2016 йй.) фундаментал тадқиқотлар давлат лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон енгил саноатида ишлаб чиқаришни кластер усулида ташкил этиш ва бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кластер концепциясининг илмий-услубий асослари, ишлаб чиқаришда ўзаро ҳамкорликни кластер тамойиллари асосида ташкил этишни такомиллаштириш йўллари тадқиқ этиш;

енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини оширишда кластерларнинг ўрнини аниқлаш;

кластерларни шакллантиришда ижтимоий, иқтисодий ва экологик омилларнинг таъсирини баҳолаш ва уларнинг таснифини ишлаб чиқиш;

кластерларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш услубиётини ишлаб чиқиш;

миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги омили сифатида кластерларни ривожлантиришнинг жаҳон тажрибасини ўрганиш, жумладан, кластерлар ривожланишини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг халқаро амалиётини умумлаштириш;

хорижий кластерларда инновацион таркибий қисмнинг устуворлигини аниқлаш;

«Ўзбекенгилсаноат» акционерлик жамияти корхоналарининг ишлаб чиқариш фаолияти хусусиятларини аниқлаш, уларни кластерларга бирлаштиришнинг иқтисодий мақсадга мувофиқлигини аниқлаш;

Ўзбекистон енгил саноатида ишлаб чиқаришни кластерлар усулида ташкил этиш самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик жамиятининг Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида жойлашган корхоналари танланган.

Тадқиқотнинг предмети енгил саноат корхоналарини кластерларга бирлаштириш жараёнида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар мажмуи ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тизимли ёндашув, қиёсий ва эксперт таҳлил, танланма кузатув, иқтисодий-математик, кўп омилли эконометрик таҳлил, синтез ва прогнозлаштириш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тўқимачилик маҳсулотлари бозоридаги рақобат, ташқи муҳит таъсири, географик жойлашув хусусиятлари, кластернинг халқаро бозордаги мавқеини ҳисобга олган ҳолда «хомашё – тайёр маҳсулот» вертикал яхлит технологик ишлаб чиқариш жараёнини таъминловчи намунавий тузилмаси ишлаб чиқилган;

енгил саноатда тармоқлараро кластер фаолиятининг самарадорлигини таъминлашда ташқи ва ички муҳитнинг ўзаро мувофиқлиги шартлари ва асосий элементлари аниқланган, улар таркибининг тармоқ хусусиятлари ва ривожланганлик даражасидан келиб чиққан ҳолда шаклланиши асосланган;

тўқимачилик саноати салоҳиятидан самарали фойдаланишга йўналтирилган «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти тўқимачилик кластери»нинг технологик-иқтисодий тузилмаси ишлаб чиқилган;

кластерларни ташкил этишнинг замонавий концепциялари, ривожланган мамлакатлар тажрибаси, енгил саноат тармоғининг ўзига хос хусусиятларини умумлаштириш асосида кластерлаштириш механизмларини меъёрий-ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий ва илмий-техникавий жиҳатдан такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги пахтани қайта ишлашга ихтисослашган корхоналарнинг ишлаб чиқариш қувватлари мослиги жиҳатидан гуруҳланган, тўқимачилик кластерига жалб қилинадиган корхоналар ва унга хизмат кўрсатувчи муассасаларнинг ташкилий тузилмаси ишлаб чиқилган;

енгил саноат соҳасида тадбиркорлик самарадорлигини баҳолаш кўрсаткичлари тизими ишлаб чиқилган;

кластер иштирокчиларининг ижтимоий шерикчилик муносабатларини ташкил этиш йўллари аниқланиб, давлат, маҳаллий ҳокимият ва ишлаб чиқариш кластерлари ўртасида ҳамкорликни ташкил этиш самарадорлиги баҳоланган;

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти тўқимачилик кластерига хорижий капитални жалб қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертацияда қўлланилган ёндашув ва усулларнинг илмий ва услубий жиҳатдан асосланганлиги, ахборот базасининг расмий манбалардан олингани, ўтказилган сўровномаларнинг анкета шаклига асослангани, хулоса ва таклифларнинг енгил саноат корхоналарида синовдан ўтгани, натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундаки, жаҳон бозорида тобора кучайиб бораётган рақобатчилик ва бу рақобатда муваффақият қозониш омилларига

янгича назар ташлаб, бугунги кунда рақобатчиликда устунликка эришишнинг янги омиллари ёритиб берилди. Бу омиллар пахтани қайта ишлаш технологик жараёнларининг кетма-кетлиги, ишлаб чиқариш қувватларининг мослиги ва шу корхоналар жойлаштириладиган ҳудуд хусусиятларини ҳисобга олишдан иборат. Бу хулосалардан Ўзбекистонда фақат тўқимачилик соҳасидагина эмас, балки ишлаб чиқаришнинг бошқа соҳалари – қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган ёки автомобилсозлик кластерларини ташкил қилишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, иқтисодиётнинг бирор-бир тармоғида корхона ва муассасаларни кластерларга бирлаштиришнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш мураккаб жараён ҳисобланади. Ана шу масалани тўғри ҳал қилиш учун тадқиқотда ишлаб чиқаришни кластерлаштиришнинг мақсадга мувофиқлигини аниқлаш мезонлари ишлаб чиқилди. Ушбу мезонлар асосида Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида 3 та тўқимачилик кластерини тузиш таклиф этилди. Шунингдек, тадқиқот натижаларидан тегишли илмий тадқиқот ишларида, ўқув қўлланмалар ва дарслик тайёрлашда илмий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон енгил саноатида ишлаб чиқаришни кластер усулида ташкил этиш ва бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

енгил саноат корхоналари кластерларини ташкил этишда давлат, таълим ва венчур корхоналарининг ўрни ва мақомини белгилаш, енгил саноат корхоналарини тармоқ доирасида бирлаштиришга таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар таъсирини ҳисобга олган ҳолда енгил саноатда тармоқлараро кластерни ташкил этиш ва кластерлар таркиби бўйича берилган таклифлар «Енгил саноат корхоналари фаолиятини ташкил этиш ва самарадорлигини баҳолаш бўйича йўриқнома»га киритилган («Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик жамиятининг 2017 йил 7 ноябрдаги ФЖ-12-3569-сонли маълумотномаси). Натижада енгил саноат корхоналарида кластерларни самарали ташкил этиш ва бошқариш имконияти яратилди;

кластерларни ташкил этишнинг замонавий концепциялари, ривожланган мамлакатлар тажрибаси, енгил саноат тармоғининг ўзига хос хусусиятларини умумлаштириш асосида кластерлаштириш механизмларини меъёрий-ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий ва илмий-техникавий жиҳатдан такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган амалий тавсиялар «Енгил саноат корхоналарини истиқболда ривожлантириш дастури»га киритилган («Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик компаниясининг 2017 йил 7 ноябрдаги ФЖ-12-3569-сонли маълумотномаси). Натижада енгил саноат корхоналари фаолиятини кластерлаштиришнинг ташкилий ва бошқарув механизмлари такомиллашди;

тўқимачилик маҳсулотлари бозоридаги рақобат, ташқи муҳит таъсири, географик жойлашув хусусиятлари, кластернинг халқаро бозордаги мавқеини ҳисобга олишга асосланган «хомашё – тайёр маҳсулот» вертикал яхлит технологик ишлаб чиқариш жараёнини таъминловчи наъмунавий тузилмаси «Енгил саноат корхоналарини истиқболда ривожлантириш дастури»га

киритилган («Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик компаниясининг 2017 йил 7 ноябрдаги ФЖ-12-3569-сонли маълумотномаси). Натижада енгил саноат тармоғида технологик ишлаб чиқаришни намунавий тузилма асосида самарали ташкил этиш имкони яратилди;

тўқимачилик саноати салоҳиятидан самарали фойдаланишга йўналтирилган «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти тўқимачилик кластери»нинг технологик-иқтисодий тузилмаси тасдиқланган («Ўзбекенгилсаноат» акциядорлик компаниясининг 2017 йил 7 ноябрдаги ФЖ-12-3569-сонли маълумотномаси). Таклиф этилаётган тузилма асосида «Billur-teks» ип калава ишлаб чиқарувчи, «Тўй-тепа текс» йигирув-тўқув фабрикаси, Янгийўл шаҳридаги «Sirius Fasion» МЧЖ ҳамда «UzTeks-groop» корхоналари иштирокида тўқимачилик кластерини ташкил этиш натижасида бошқарув харажатлари 15 фоизга, даврий харажатлар 18 фоизга қисқарди, кластерга бирлаштирилган корхоналарнинг экспорт салоҳияти 12 фоизга ортди;

ишлаб чиқаришда кластерларнинг вужудга келиши ва уларнинг ривожланишига таъсир этувчи омиллар тизими кичик саноат корхоналарининг ривожланишида кластерларни шакллантиришга қаратилган илмий тадқиқот ишларида фойдаланилган («Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантиришнинг илмий асослари ва муаммолари» илмий тадқиқот марказининг 2017 йил 18 январдаги 01-161-сонли маълумотномаси). Натижада маҳаллий ресурс ва хомашёдан самарали фойдаланишда қайта ишловчи корхоналарни жойлаштириш методикаси такомиллаштириди;

иқтисодиёт тармоқлари ўртасида инвестицияларни оптимал тақсимлаш бўйича аниқланган миқдорий қийматларни ҳисоблаш усули «Ўзбекистон иқтисодиётида инвестицияларнинг тармоқлараро тақсимланишини эконометрик моделлаштириш» Ф-4-45-сонли фундаментал лойиҳасини (2012-2016 йй.) амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 13 февралдаги ФТК-0313/154-сонли маълумотномаси). Натижада иқтисодиёт тармоқларида инновацион жозибадорликни ошириш, инвестицияларни оптимал тақсимлаш ва улардан фойдаланиш жараёнларининг эконометрик таҳлили ва прогнозлаштириш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 6 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 11 та илмий мақола, жумладан, 9 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 162 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан, технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ишлаб чиқариш кластерлари самарадорлигини аниқлашнинг назарий-услубий асослари**» деб номланган биринчи бобда енгил саноатда тармоқлараро кластер фаолиятининг самарадорлигини таъминлашда ташқи ва ички муҳитнинг ўзаро мувофиқлиги шартлари ва асосий элементлари аниқланган, улар таркибининг тармоқ хусусиятлари ва ривожланганлик даражасидан келиб чиққан ҳолда шаклланиши асосланган.

Бугунги шароитда саноат кластери иқтисодий ривожланишнинг юқори суръатларини таъминловчи ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг интеграциялашган шакли, муайян шароитда инновацияларни жадаллаштириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, мамлакатнинг стратегик устунликларини кучайтириш, динамик рақобатни сақлаб туришга кўмаклашувчи иқтисодий тизимларни сифат жиҳатдан ўзгартиришнинг бозор механизми сифатида кўрилади. Шу билан бирга кластерлаштиришни ўз-ўзидан самара берувчи механизм сифатида қабул қилмаслик керак.

Кластер ёндашуви Ўзбекистонда кенг тан олинаётганига қарамай, маҳаллий саноатни кластерлаштириш етарли даражада ривожланмаган. Енгил саноатда етти мингдан ортиқ корхоналар фаолият юритишига қарамай, улар кластерларга бирлаштирилмаган.

Ушбу бобда муаллиф томонидан ишлаб чиқилган «Енгил саноатда тармоқлараро кластернинг принципиал модели» (1-расм) берилган бўлиб, унда ўзаро боғланган – бир омилнинг кластерлаштириш самарадорлигига таъсири бошқа омиллар қандай ҳолатда бўлишига боғлиқлиги акс эттирилган. Бунда омиллар бир-бирини кучайтириши мумкин.

Махсус адабиётларда кластерларни ташкил этиш учун ишлаб чиқаришлар ва саноат тармоқларининг ривожланишини ялпи баҳолаш таклиф этилган. Ишлаб чиқаришлар ва саноат тармоқларини ривожланган ҳамда камроқ ривожланган турларга таснифлаш ўрганилаётган ишлаб чиқаришлар фаолиятини тавсифловчи абсолют ва нисбий кўрсаткичлар ҳамда жойлар йиғиндиси усулини қўллаган ҳолда ҳисоблаб чиқиладиган ялпи мезон асосида амалга оширилади.

Фикримизча, саноат кластерида ишлаб чиқариш тузилмалари фаолияти самарадорлиги учта ўзаро боғлиқ мезон билан аниқланади: ижтимоий, иқтисодий ва экологик (1-расм).



1-расм. Саноат кластерида ишлаб чиқариш тузилмалари фаолияти самарадорлиги мезонлари⁵.

Ушбу расмнинг мантиқиға кўра кластер фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг сифат мезонлари тизими биринчи галда кластер фойдасини оширишга асосланади. Ишлаб чиқариш кластери фойдасининг ошиши кластер унумдорлигининг ошиши ва инновацион фаолиятдан олинган иқтисодий самарага бевосита боғлиқ. Енгил саноатда тармоқлараро кластернинг умумий модели 2-расмда ифодаланган.


Ишлаб чиқаришлар ва тармоқларнинг ривожланиш даражасини эксперт йўли билан аниқлаш учун қуйидаги кўрсаткичлар: ишлаб чиқаришнинг рентабеллиги, меҳнат унумдорлиги, асосий фондларнинг фонд қайтими ва илғор ишлаб чиқариш технологиялари сони белгиланган. Мамлакат иқтисодиётида ишлаб чиқариш ва саноат тармоқларининг ривожланишини ялпи баҳолашнинг қуйидаги босқичлари ажратилган:

1. Мамлакат иқтисодиётида ишлаб чиқаришлар ва саноат тармоқларининг ривожланишини ялпи қиёсий баҳолаш мақсадлари ва вазифаларига аниқлик киритиш.

2. Тармоқлар ва ишлаб чиқаришлар ривожланишининг самарадорлигини оширишга таъсир этувчи баҳоладиган параметрларнинг бир йўналиш-лилигини ҳисобга олган ҳолда ялпи баҳолашни ўтказиш учун кўрсаткичлар бошланғич тизимини танлаш.

⁵ Қуйидаги манба асосида муаллиф томонидан тузилган: Меньшенина И.Г. Формирование и развитие кластеров как механизм обеспечения конкурентоспособности региона/И.Г. Меньшенина.

3. Тадқиқ этилаётган ҳудудда жойлашган ишлаб чиқаришлар ва саноат тармоқларининг фаолияти ҳақидаги бошланғич ахборотни тўплаш ва уларга ишлов бериш.



2-расм. Енгил саноатда тармоқлараро кластернинг умумий модели⁶.

4. Тармоқлар ва ишлаб чиқаришлар ривожланишининг самарадорлигини оширишга таъсир этувчи параметрларни ҳисобга олган ҳолда бошланғич маълумотлар асосида алоҳида кўрсаткичлар қийматларини ҳисоблаб чиқиш.

5. Шартларни ҳисобга олган ҳолда кўрсаткичлар эталон қийматларини аниқлаш: агар ушбу кўрсаткичнинг ошиши (камайиши) ҳисоблаб

⁶ Тадқиқот натижалари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

чиқиладиган ялпи баҳонинг яхшиланишига олиб келса, бутун йиғиндидан энг катта (энг кичик) қиймат танланади $a_{эj} = \max a_{ij}$, ва, ўз навбатида, $a_{эj} = \min a_{ij}$, бу ерда $a_{эj}$ – кўрсаткичлар эталон қийматлари.

A_{ij} – ишлаб чиқариш ёки тармоқнинг j йилдаги иқтисодий фаолияти турига мувофиқ кўрсаткич қиймати.

6. Кўрсаткичлар қийматларини a_{ij} танланган $a_{эj}$ эталонга нисбатан бир сафга тузиш. Ҳар бир кўрсаткичга унинг бошқа кўрсаткичлар ичидаги ўрнини белгилаб берувчи r_{ij} параметр мос келади; эталонга 1 га тенг бўлган a_{ij} қийматли биринчи ўрин мос келади.


7. Минтақа иқтисодиёти саноатининг ишлаб чиқариш ва тармоқ таркибий қисмлари кўрсаткичлари қийматлари ўринларининг йиғиндисини R_i қуйидаги формула бўйича аниқлаш

$$R_i = \sum_{j=1}^m r_{ij} \quad (i = 1, \dots, m), \quad (1)$$

бу ерда r_{ij} – ишлаб чиқариш ёки тармоқнинг j йилдаги иқтисодий фаолияти i турига мувофиқ кўрсаткич даражаси. Объектнинг энг яхши баҳоси мезони – $\min R_i$, унга биринчи ўрин мос келади.

8. Иқтисодий фаолият S_i турлари бўйича кўрсаткичлар қийматлари ўринларининг йиғиндисини аниқлаш ва сафга тузиш. Объектнинг энг яхши баҳоси мезони – 1 га тенг бўлган қийматли $\min S_i$.

Кластер фаолиятининг самарадорлигини ошириш учун «саноат тармоқларининг ривожланиш даражаси – ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражаси» модели таклиф этилган (3-расм).



Шартли белгилар:

ҚК - ЗТ – қоқоқ корхона ва заиф тармоқни бирлаштириш;

ҚК - РТ – қоқоқ корхона ва ривожланган тармоқни бирлаштириш;

РИЧ - ЗТ – ривожланган ишлаб чиқариш ва заиф тармоқни бирлаштириш;

РИЧ - РТ – ривожланган ишлаб чиқариш ва ривожланган тармоқни бирлаштириш

1 - 2 - 3 - 4 – саноат тармоқлари ишлаб чиқаришларини ривожлантиришга инвестициялар киритиш кетма-кетлиги.

3-расм. Кластерларни шакллантиришда саноат тармоқлари ва улардаги ишлаб чиқаришларнинг ривожланиш даражаларини бирлаштириш модели⁷.


⁷ Муаллиф ишланмаси асосида тузилган.

Ушбу чизма мантиғига амал қилган ҳолда шундай хулосага келиш мумкинки, саноат ишлаб чиқариш ва тармоқ таркибий қисмларининг ўзаро ҳамкорлигини ташкил этишнинг кластер шакли ички тузилмалар ва ташқи ўзаро боғлиқликларни тезда ўзгарувчи ташқи муҳитга тезкор мослаштириш имконини беради. Худудий бир жойга тўплаш, кооперация ва рақобатни бирлаштириш кластер корхоналарига алоҳида (кластердан ташқари) корхоналар билан қиёсланганда умумий рақобат устунликларини таъминлайди.

Диссертациянинг «Ишлаб чиқаришни кластер асосида бошқаришни ташкил этишнинг хорижий тажрибаси» деб номланган иккинчи бобда кластерларни ташкил этишнинг замонавий концепциялари, ривожланган мамлакатлар тажрибаси, енгил саноат тармоғининг ўзига хос хусусиятларини умумлаштириш асосида кластерлаштириш механизмларини меъёрий-ҳуқуқий, ташкилий-иқтисодий ва илмий-техникавий жиҳатдан такомиллаштириш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Мазкур бобда кейинги 10 йил мобайнида 20 та мамлакатда амалга оширилган 500 дан ортиқ кластер ташаббусларининг таҳлили келтирилган. Ушбу мамлакатлар рақобатбардошлигининг юқорилиги рақобатбардошлик локомотивлари ҳисобланган айрим кластерларнинг кучли позицияларига боғлиқлиги асосланган.

Кластер туридаги энг машҳур тизимларга Силикон водийсидаги (АҚШ) компьютер техникаси ва ахборот технологиялари соҳаси, Хельсинкидаги (Финляндия) алоқа ва телекоммуникациялар, Голливуддаги (АҚШ) кино ишлаб чиқариш, Москва минтақасидаги аэрокосмик саноат соҳаси компанияларининг кооперацияси мисол бўла олади. Қуйидаги расмда дунёнинг ривожланган мамлакатларида ташкил этилган ва самарали фаолият юритаётган кластерларнинг умумий сони тасвирланган (4-расм).



4-расм. Жаҳоннинг айрим мамлакатлари иқтисодиётини кластерлаштириш даражаси, (бирликда)⁸.

⁸Муаллиф ишланмаси асосида тузилган.

Бугунги кунда жаҳон бизнеси ривожланишида халқаро кластерлар, шу жумладан, алоҳида минтақалар доирасидан ташқарига чиқувчи кластерлар сонининг тобора кўпайиб бораётганлиги кўзга ташланмоқда. Масалан, Европа мақомига эга кўплаб кластерлар халқаро даражага чиқишга интилмақда. Бу асосан халқаро ва трансчегаравий лойиҳаларга тааллуқли. Француз фармацевтик кластери Луи Пастер университети орқали Канаданинг «Invivo» кластери билан ҳамкорлик қилади. Бундай ҳамкорликдан кўзланган мақсад – ушбу кластерлар учун Шимолий Америка ва Европада истиқболли сотиш бозорларини топишдан иборат. Агар яқин вақтга қадар кластерлар энг ривожланган иқтисодиётларда ташкил этилган бўлса, охириги йилларда улар ривожланаётган мамлакатларда ҳам пайдо бўлмоқда. Венгрия, Польша, Чехия, Словенияда кластерлаштириш махсус дастурлар билан кўллаб-қувватланмоқда.

Европа иқтисодиёти учун ишлаб чиқариш кластерларини ривожлантиришнинг аҳамияти шундан иборатки, XX асрнинг 90-йилларида саноатни ривожлантириш бўйича Бирлашган миллатлар ташкилоти (UNIDO) хусусий секторни ривожлантириш бўйича бўлим (Private Sector Development Branch) ёрдамида Европа мамлакатлари ҳукуматлари ва Европа хусусий бизнесининг кластерлар ҳамда кичик корхоналар тармоқларини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этишда ўзаро ҳамкорлик қилишига ёрдам бериш учун бир қатор тавсияларни тайёрлади.

2006 йил июлда ЕИ томонидан «ЕИ мамлакатларида кластерлаштириш Манифести» маъқулланиб, қабул қилинди, 2007 йил декабрда «Европа кластер Меморандуми» маъқулланиб, тасдиқлаш учун тақдим этилди ва 2008 йил 21 январда Стокгольмда Европа инновациялар ва кластерлар бўйича президентлар конференциясида тасдиқланди. 2009 йил 7-10 майда Прагада бўлиб ўтган «Шарқий ҳамкорлик» мавзусидаги Европа Иттифоқи саммити Европанинг ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатларида кластерлаштириш жараёнларининг амалга оширилишига ёрдам берди⁹. Қабул қилинган ҳужжатларнинг асосий мақсади – алоҳида мамлакатларнинг ҳам, Европа Иттифоқининг ҳам рақобатбардошлигини оширишга таъсир кўрсатишга қодир кластерлар сонини оширишдан иборат.

Энг муваффақиятли иқтисодий тизимлар фаолиятининг жаҳон амалиётига кўра, биринчи галда, янги технологияларнинг ёйилишини рағбатлантирувчи омиллар юқори даражадаги рақобатбардошлик ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлайди.

Диссертациянинг «**Ўзбекистон енгил саноатида ишлаб чиқаришни ташкил этишга кластер ёндашуви ва унинг самарадорлиги**» деб номланган учинчи бобида тўқимачилик маҳсулотлари бозоридаги рақобат, ташқи муҳит таъсири, географик жойлашув хусусиятлари, кластернинг халқаро бозордаги мавқеини ҳисобга олган ҳолда «хомашё – тайёр маҳсулот» вертикал интеграцияланган технологик ишлаб чиқариш жараёнини

⁹ Ленчук Е.Б., Власкин Г.А. Кластерный подход в стратегии инновационного развития зарубежных стран // Экономический портал – экономика России и мировая экономика [Электронный ресурс]. – Режим доступа: [http:// institutions.com/contact.html](http://institutions.com/contact.html).

таъминловчи намунавий тузилма ишлаб чиқилган. Шу билан бирга тўқимачилик саноати салоҳиятидан самарали фойдаланишга йўналтирилган «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти тўқимачилик кластери»нинг технологик-иқтисодий тузилмаси ишлаб чиқилган.

Енгил саноат миллий иқтисоднинг етакчи тармоқлари таркибига киради, унинг ҳиссасига ялпи миллий даромаднинг 12% ва саноат комплексида бандликнинг 0,87% дан кўпроғи тўғри келади¹⁰. Ўзбекистон енгил саноати республика аҳолисининг кўпайиши, унинг фаровонлиги ва харид қилиш қобилияти ошиши билан боғлиқ доимий иқтисодий ўсиши билан ажралиб туради. Енгил саноат соҳасидаги 400 та корхона хорижий инвестициялар туфайли ташкил этилди. Ушбу соҳага 2 миллиард доллардан ортиқ ҳажмда хорижий капитал маблағи сарфланган¹¹.

«Ўзбекенгилсаноат» АЖ республикаимиз минтақалари ташқи савдо имкониятларини кенгайтириб, маҳсулот экспорти ҳажмини йилдан-йилга ошириб бормоқда. 2016 йилнинг январь-сентябрь ойларида маҳсулотлар экспорти ўтган йилнинг худди шу даврига нисбатан 112,7% ўсиш суръати билан 9015,5 млн. долларни (эркин конвертация қилинадиган валютага сотилган ички алмашув ва жисмоний шахслар экспорти ҳисобга олинганда) ташкил қилди (1-жадвал).

1-жадвал

«Ўзбекенгилсаноат» АЖ корхоналари экспорт имкониятларининг ўсиши¹²

Кўрсаткичлар	Йиллар							
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017
Ўзбекистон бўйича экспорт ҳажми, млн. АҚШ долл.	13023	15021	13600	14323	14109	12870	9016	5969
«Ўзбекенгилсаноат» АЖ корхоналари экспорти, млн. АҚШ долл.	619	661	706	827	862	868	1145	1232
Мамлакат экспорти ҳажми-да «Ўзбекенгилсаноат» АЖ улуши, %	4,8	4,4	5,2	5,8	6,1	6,7	12,7	14,2

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 15 декабрдаги ПҚ-1442-сонли қарорига мувофиқ, 2011-2015 йилларга тўқимачилик саноати тараққиёти дастури тасдиқланди. Дастур доирасида 2014 йилнинг январь-декабрь ойларида умумий 57,15 млн. доллар миқдорида инвестициялар жалб қилинди, 52,25 млн. доллар ўзлаштирилди. Бугунги кунга келиб, қарорга киритилган 55 лойиҳадан 35 таси амалга оширилди.


¹⁰ «Ўзбекенгилсаноат» АЖ маълумотлари.

¹¹ «Ўзбекенгилсаноат» АЖ маълумотлари.

¹² Манба: «Ўзбекенгилсаноат» АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Давлатимиз энгил саноат тармоғининг ривожланишига йўналтирилган фаол сиёсатни олиб бормоқда. Бироқ тармоқда пахта толасини етарлича ишлаб чиқариш ҳамда газлама ва тикув маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг сўнгги поғоналаридаги паст даражадаги рақобатбардошлик имконияти билан боғлиқ қатор жиддий муаммолар мавжуд. Экспортнинг асосий предмети ҳамон пахта толаси ва йигирилган ип бўлиб қолмоқда, бу эса ташқи бозорга паст қўшимча қийматли маҳсулот етказилаётганидан далолат беради. Шу сабабдан пахта толасини чуқурроқ қайта ишлаш ва юқори қўшилган қийматга эга маҳсулотларни ишлаб чиқариш муҳим ҳисобланади.

Кластернинг муваффақиятли ишлаши учун Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятидаги мавжуд тўқимачилик корхоналари таркибидан йирик рақобатбардош корхоналар танлаб олинди. Бундан ташқари, ишлаб чиқаришнинг яхлит тизимини шакллантириш лозим. Тўқимачилик саноатида ишлов беришнинг икки босқичини қамраб олувчи турли ишлаб чиқариш тузилмаларига, масалан, тўқимачилик ва ип йигириш (йигириш-тўқувчилик корхонаси), йигириш ва ип корхонаси (йигириш-ип фабрикаси), тўқувчилик ва пардозлашга (пардозлаш-тўқувчилик корхонаси) эга бўлиш мумкин. Тўқимачилик маҳсулотлари қиймати тузилмаси 5-расмда тасвирланган.



5-расм. Тўқимачилик маҳсулотлари қиймати тузилмаси (1 кг пахта толаси учун)¹³.

¹³ «Ўзбекенгилсаноат» АЖ маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Унда асосан кардли йигирилган иплардан (0,88-0,75кг) тайёрланадиган маҳсулотлар ва уларнинг ҳозирги кундаги қиймати ҳақида маълумотлар берилган. Тўқимачилик кластерининг ўзагини шакллантиришда қатъий чекловлар қўйилмаслиги керак. Кичик корхоналар бошқарув қарорлари қабул қилишда фаол иштирок этиши лозим. Тўқимачилик кластерини ривожлантириш Тошкент вилоятининг мавжуд инновацион инфратузилмасини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак. Кластернинг ўзаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ўзига жалб қилувчи марказ бўлиши лозим.

